

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ТЎРАҚУЛОВ СОБИР АБДУМЎМИНОВИЧ

**КЛАСТЕР МОДЕЛИ ДОИРАСИДА ҚУЙИ ЭНЕРГИЯЛАРДА $d(\alpha, \gamma)^6\text{Li}$,
 $^3\text{He}(\alpha, \gamma)^7\text{Be}$ ВА $^3\text{H}(\alpha, \gamma)^7\text{Li}$ РЕАКЦИЯЛАР АСТРОФИЗИК
S-ФАКТОРЛАРИ ВА ТЕЗЛИКЛАРИ**

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси. Тезлаштирувчи техника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-
математическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on physical and
mathematical sciences**

Тўрақулов Собир Абдумўминович

Кластер модели доирасида қуйи энергияларда $d(\alpha, \gamma)^6\text{Li}$, $^3\text{He}(\alpha, \gamma)^7\text{Be}$ ва $^3\text{H}(\alpha, \gamma)^7\text{Li}$ реакциялар астрофизик S-факторлари ва тезликлари 3

Туракулов Собир Абдумуминович

Астрофизические S-факторы и скорости реакций $d(\alpha, \gamma)^6\text{Li}$, $^3\text{He}(\alpha, \gamma)^7\text{Be}$ и $^3\text{H}(\alpha, \gamma)^7\text{Li}$ при низких энергиях в рамках кластерной модели 23

Turakulov Sobir Abdumuminovich

Astrophysical S-factors and rates of the reactions $d(\alpha, \gamma)^6\text{Li}$, $^3\text{He}(\alpha, \gamma)^7\text{Be}$ and $^3\text{H}(\alpha, \gamma)^7\text{Li}$ in the framework of cluster model at low energies 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ТЎРАҚУЛОВ СОБИР АБДУМЎМИНОВИЧ

**КЛАСТЕР МОДЕЛИ ДОИРАСИДА ҚУЙИ ЭНЕРГИЯЛАРДА $d(\alpha,\gamma)^6\text{Li}$,
 $^3\text{He}(\alpha,\gamma)^7\text{Be}$ ВА $^3\text{H}(\alpha,\gamma)^7\text{Li}$ РЕАКЦИЯЛАР АСТРОФИЗИК
S-ФАКТОРЛАРИ ВА ТЕЗЛИКЛАРИ**

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси. Тезлаштирувчи техника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/FM254 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.inp.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турсунов Эргаш Маҳкамович
физика-математика фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Миртаджиева Каромат Тахировна
физика-математика фанлари доктори, доцент

Олимов Хусниддин Қосимович
физика-математика фанлари доктори,
катта илмий ходим

Ётақчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Физика-техника институти “Физика-Қуёш” илмий
ишлаб-чиқариш бирлашмаси

Диссертация химояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улугбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-18; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улугбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2019 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “ ____ ” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

З. Каноков
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., доцент

И. Нуриддинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда $\alpha+d\rightarrow{}^6\text{Li}+\gamma$, $\alpha+{}^3\text{H}\rightarrow{}^7\text{Li}+\gamma$ ва $\alpha+{}^3\text{He}\rightarrow{}^7\text{Be}+\gamma$ радиацион қамраш реакцияларининг тажрибавий ва назарий тадқиқотлари стандарт Катта портлаш моделида космологик литий тарқалиши муаммосини ечишда ниҳоятда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу жараёнларни ўрганиш космология ва замонавий ядровий астрофизикада муҳим аҳамиятга эга, чунки улар Катта портлашдан кейинги бирламчи нуклеосинтезда ${}^6\text{Li}$, ${}^7\text{Li}$ ядролари ҳосил бўлишининг асосий манбаларидир. Бундан ташқари, $\alpha+{}^3\text{He}\rightarrow{}^7\text{Be}+\gamma$ реакцияси Қуёш қобиғи кинетикасини ўрганишда муҳимдир, модомики бу реакция Қуёшда водород ёниш pp – даврий реакциялари иккинчи ва учинчи занжирларининг бошланғич нуктаси ҳисобланади. Бошқа томондан, стандарт Қуёш моделида ${}^7\text{Be}$ ядроси нейтринолар ҳосил бўлиш жараёнларида асосий роль ўйнайди.

Бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб тадқиқот марказларида $\alpha+d\rightarrow{}^6\text{Li}+\gamma$, $\alpha+{}^3\text{H}\rightarrow{}^7\text{Li}+\gamma$ ва $\alpha+{}^3\text{He}\rightarrow{}^7\text{Be}+\gamma$ жараёнларини ўрганиш учун қуйи астрофизик энергияларда юқори аниқликдаги ўлчашлар ўтказилмоқда. Бу реакциялар учун тўғридан-тўғри тажриба маълумотларини олиш тўқнашувчи зарядланган зарраларнинг Кулон баръери ҳисобига қийин масала ҳисобланади. Шунга қарамай, охириги йилларда Европа давлатлари ҳамкорлигидаги етакчи тажриба гуруҳлари LUNA, ERNA, ҳамда БЯТИ (Дубна, Россия) Ядро муаммолари лабораторияси бу учала муҳим жараёнлар бўйича тўғридан-тўғри тажрибалар ўтказишга эришдилар. Ушбу диссертация иши доирасида ўзаро таъсирлашиши NN -, αN -, αd -, $\alpha{}^3\text{H}$ -, $\alpha{}^3\text{He}$ -потенциалларига асосланган икки ва уч зарра моделлари ривожлантирилди. Икки зарра модели радиацион қамраш жараёнларини тавсифлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тўғри асимптотикани таъминловчи юқори аниқликка эга Нумеров алгоритмига асосланган. Икки зарра моделида $\alpha+d\rightarrow{}^6\text{Li}+\gamma$ жараёнида изоспин саралаш қондасига кўра таъқиқланган $E1$ -ўтишни ҳисобга олиш муаммоли. Шундай бўлса ҳам, илмий адабиётларда тажрибада ўлчанган аниқ массалардан фойдаланишга асосланган моделлар ишлатилади, аммо, бу моделлар изоспин ўтишларни очиқ-ойдин ҳисобга ололмайдди. Таклиф қилинаётган реалистик уч заррали модель гиперсферик гармониклардаги Лагранж-меш базисида ҳисобланган ${}^6\text{Li}$ ядросининг асосий ҳолатини ифодаловчи тўлқин функциясига асосланган. Бу модель замонавий ядровий астрофизиканинг муҳим жараёнларидан бири бўлган $\alpha+d\rightarrow{}^6\text{Li}+\gamma$ радиацион қамраш реакциясини изоспин бўйича таъқиқланган $E1$ -ўтишини аниқ ҳисобга олган ҳолда тавсифлаш имконини бериши мумкин. Уч заррали модель доирасида ҳисоблаш услубларини ривожлантириш ядровий астрофизика жараёнларини ўрганишнинг сифат жихатидан янги босқичи ҳисобланади.

Мамлакатимизда бугунги кунда ядро физикасини ривожлантириш, хусусан, атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси соҳасида тажрибавий ва назарий фундаментал тадқиқотларни жаҳон даражасида амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз илм-фан

ривожги ҳамда фундаментал тадқиқот натижаларини ҳаётга тадбиқ қилиш учун фундаментал тадқиқотларнинг муҳим йўналишлари Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йиллардаги Ҳаракатлар стратегиясига¹ киритилган. Ушбу ишда олиб борилган тадқиқотлар, дунёда замонавий тадқиқотларнинг илғорларидан ҳисобланувчи ядровий астрофизика муаммолари, ҳамда бошқариладиган термоядро жараёнлари физикаси, жумладан ядро энергетикаси билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг етакчи олимлари, масалан, россиялик (L.D. Blokhintsev, G.G. Ryzhikh ва бошқалар), америкалик (A.M. Mukhamedzhanov, C. Bertulani, K.M. Nollet), белгиялик (P. Descouvemont, D. Baye), япониялик (T. Kajino ва бошқалар), қозоғистонлик (С.Б. Дубовиченко, Н.А. Буркова) ва бошқалар томонидан радиацион камраш реакциялари бўйича назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда замонавий тажриба техникаларининг ривожланганлиги туфайли $\alpha + d \rightarrow {}^6\text{Li} + \gamma$, $\alpha + {}^3\text{H} \rightarrow {}^7\text{Li} + \gamma$ ва $\alpha + {}^3\text{He} \rightarrow {}^7\text{Be} + \gamma$ радиацион камраш реакцияларининг астрофизик S-факторини қуйи энергияларда тўғридан-тўғри ўлчашга эришилмоқда. Юқорида кўрсатилган учта жараёнлар бўйича ҳамкорликдаги тажриба гуруҳлари LUNA, ERNA, ҳамда БЯТИ (Дубна, Россия) Ядро муаммолари лабораторияларининг яқинда олган тажриба маълумотлари, янги маълумотларни ва енгил ядроларнинг ҳосил бўлиш механизмларини тушунтириб бера олувчи реалистик назарий моделларни ривожлантиришни талаб қилади.

Ушбу жараёнлар жаҳоннинг етакчи олимлари (A.M. Mukhamedzhanov, L.D. Blokhintsev, P. Descouvemont, C. Bertulani, T. Kajino, С.Б. Дубовиченко ва бошқалар) томонидан макроскопик моделлар асосида, ҳамда (T. Neff, K.M. Nollet, J.D. Erally, P. Navratil ва бошқалар) томонидан микроскопик яқинлашишлар доирасида ўрганилган. Ҳозирча биринчи жараён бўйича тўлиқ микроскопик ҳисоблашлар мавжуд эмас, мос равишда ${}^7\text{Be}$, ${}^7\text{Li}$ синтез

¹ 2017 йил 07 февральдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

жараёнларини тавсифлашда бир неча микроскопик (NCSMC, FMD) моделлар мавжуд, аммо, улар энергетик боғланишларни турли ҳил беради. Яна ушбу ҳисоблашларнинг қўлланиладиган NN-потенциаллар танловига сезгирлиги юқори. Қайси реалистик икки ва уч зарра моделлари LUNA ҳамкорлигидаги олинган тажриба маълумотларини тушунтириб бера олиши ҳақидаги савол ҳанузгача очик қолмоқда.

Шунингдек, бу муаммоларни ўзбек олимлари Р. Ярмухамедов, Б.Ф. Иргазиев ва бошқалар ўз ишларида, тўлқинлар бузилиши методи ва модификацияланган икки зарра потенциал модели доирасида тадқиқ қилганлар. Хусусан, юқорида кўрсатилган методларни ишлатган ҳолда $\alpha + {}^3\text{He} \rightarrow {}^7\text{Be} + \gamma$ ва $\alpha + {}^3\text{H} \rightarrow {}^7\text{Li} + \gamma$ реакцияларининг тўғридан-тўғри ўлчанган тажриба маълумотлари таҳлилидан асимптотик нормировка доимийлари (АНД) ажратиб олинган ва тажрибада олиш мумкин бўлмаган ўта қуйи энергияларда назарий баҳолар олиш учун экстраполяция қилинган. Ушбу ишларда $\alpha + d \rightarrow {}^6\text{Li} + \gamma$ жараёни икки зарра потенциал модели доирасида тадқиқ қилинган, бу ерда изоспин саралаш қоида-сига кўра таъқиқланган электр $E1$ -ўтишни ҳисобга олиш учун тўқнашувчи зарраларнинг тажрибада ўлчанган аниқ массаларидан фойдаланилади. Бу жараёнда изоспин ўтишни аниқ ҳисобга олиш учун кичик миқдорда (тахминан 0.5 %) изотриплет компонентага эга бўлган ${}^6\text{Li}$ ядросининг асосий ҳолатини ифодаловчи реалистик тўлқин функцияга асосланган уч заррали моделларни ривожлантириш мумкин. Бу кичик миқдор LUNA ҳамкорлигида олинган янги тажриба маълумотларини тавсифлаш имкониятини бериши мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий-тадқиқотлар режасининг Ф2-ФА-Ф117 «Ядровий астрофизикада ядро фундаментал хусусиятларининг динамик хоссалари устида тадқиқотлар» (2012-2016) ва ОТ-Ф2-25 «Ядровий астрофизика ва адрон терапияси масалаларини ечиш учун юқори аниқликдаги уч-жисм методларини ривожлантириш» (2017-2020) илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қуйи энергияларда кечадиган $\alpha + d \rightarrow {}^6\text{Li} + \gamma$, $\alpha + {}^3\text{H} \rightarrow {}^7\text{Li} + \gamma$ ва $\alpha + {}^3\text{He} \rightarrow {}^7\text{Be} + \gamma$ астрофизик жараёнларда енгил ядроларнинг ҳосил бўлиши механизмларини аниқлаштириш ва реалистик кластер модели доирасида астрофизик S-факторлари, реакция тезликлари ва ${}^{6,7}\text{Li}$ нуклидларнинг бирламчи тарқалишини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ядровий астрофизика жараёнларида астрофизик S-факторларини (кесим) ва реакция тезликларини ҳисоблаш учун юқори аниқликдаги Нумеров алгоритмига асосланган икки заррали потенциал моделини ривожлантириш;

икки зарра моделида электр $E1$, $E2$ -ўтишлар ва магнит $M1$ -ўтишлар учун келтирилган эҳтимолликларнинг ошкор аналитик ифодаларини олиш, тўлиқ астрофизик S-фактори учун парциаль ҳиссаларни аниқлаш ва сонли ҳисоблашлар бажариш;

бирламчи нуклеосинтезда ${}^7\text{Li}$ ядроси ҳосил бўлиши учун $\alpha+{}^3\text{He}\rightarrow{}^7\text{Be}+\gamma$ ва $\alpha+{}^3\text{H}\rightarrow{}^7\text{Li}+\gamma$ радиацион қамраш реакциялари тезликларининг ҳиссасини баҳолаш;

икки зарра моделида $\alpha+d\rightarrow{}^6\text{Li}+\gamma$ радиацион қамраш реакцияси $E2$ астрофизик S -факторини ҳисоблаш;

астрофизик S -факторларини (кесим) ва радиацион қамраш реакция тезликларини баҳолаш учун гиперсферик гармониклардаги Лагранж-меш базисига асосланган уч заррали потенциал моделини ривожлантириш;

уч зарра моделида электрик $E1$, $E2$ -ўтишлар учун матрица элементларининг ошкора ҳолдаги аналитик ифодаларини олиш, ривожлантирилаётган моделда электрик ўтишлар парциаль ҳиссалари учун сонли ҳисоблашлар бажариш;

уч зарра моделида $\alpha+d\rightarrow{}^6\text{Li}+\gamma$ радиацион қамраш реакцияси тезлиги ва бирламчи нуклеосинтезда ${}^6\text{Li}$ элементи тарқалишини баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ${}^6\text{Li}$, ${}^7\text{Li}$ ва ${}^7\text{Be}$ енгил ядроларининг ҳосил бўлишида радиацион қамраш жараёнларининг астрофизик S -факторлари ва реакция тезликлари, ${}^6\text{Li}$ ва ${}^7\text{Li}$ енгил элементларнинг Катта портлашдан кейинги бирламчи нуклеосинтезда тарқалиши олинган.

Тадқиқотнинг предмети енгил ядроларнинг ядровий астрофизик реакция синтези, электромагнетик ўтишлар; енгил ядролар икки ва уч зарра структуралари, икки заррали NN -, αN -, αd -, $\alpha{}^3\text{H}$ -, $\alpha{}^3\text{He}$ - ўзаро таъсирлашиш потенциаллари деб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Назарий ядро физикаси ва тўғридан-тўғри ядро реакциялар назарияси усуллари, Шредингер тенгламаси ечиш учун Нумеров алгоритмига асосланган юқори аниқликдаги усуллар, уч зарра масаласини ечиш учун гиперсферик гармониклардаги Лагранж-меш усули, квант бурчак моменти назарияси аналитик усуллари, юқори аниқликка эга бўлган сонли усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қуйи энергияларда $\alpha+{}^3\text{He}\rightarrow{}^7\text{Be}+\gamma$ ва $\alpha+{}^3\text{H}\rightarrow{}^7\text{Li}+\gamma$ радиацион қамраш реакциялари астрофизик S -фактори учун LUNA ҳамкорлигида олинган янги тажриба маълумотларини икки зарра моделида тавсифлаш мумкинлиги ва ${}^7\text{Be}$ ва ${}^7\text{Li}$ енгил ядролар синтез жараёнларида асосий ҳисса берувчи $E1$ -ўтиш матрица элементларининг $\alpha+{}^3\text{He}$ ва $\alpha+{}^3\text{H}$ S тўлқин потенциалларига ўта сезгирлиги кўрсатилган;

икки зарра моделида асимптотик нормировка доимийларини ҳисобга олувчи модификация қилинган потенциал асосида олинган $\alpha+d$ боғланган ва сочилиш ҳолатлари реалистик тўлқин функциялари $\alpha+d\rightarrow{}^6\text{Li}+\gamma$ радиацион қамраш реакциясининг $E2$ астрофизик S -фактори ҳисоблаш натижаларини кўшимча асимптотикага улашларсиз яхши яқинлашишини таъминлаши кўрсатилган;

илк бор уч зарра потенциал модели доирасида қуйи энергияларда $\alpha+d\rightarrow{}^6\text{Li}+\gamma$ астрофизик синтез реакциясини тавсифлаш учун ${}^6\text{Li}$ ядросининг асосий ҳолати тўлқин функциясининг тахминан 0.5% кичик миқдордаги изотриплет компонентаси ҳисобига изоспин бўйича таъқиқланган электр $E1$ -

ўтиши ҳиссаси муҳимлиги кўрсатилган;

$\alpha + d \rightarrow {}^6\text{Li} + \gamma$ жараён астрофизик S-фактори ва реакция тезлиги учун LUNA ҳамкорлигида олинган тўғридан-тўғри тажриба маълумотларини яхши тавсифловчи ва Катта портлашдан кейинги ${}^6\text{Li}$ элементининг бирламчи тарқалиши учун LUNA маълумоти билан яхши мос келувчи ${}^6\text{Li}/\text{H} = (0.67 \pm 0.01) \times 10^{-14}$ назарий баҳо, ҳамда Катта портлаш стандарт модели натижаларига тўлиқ мос келувчи ${}^6\text{Li}/{}^7\text{Li} = (1.33 \pm 0.03) \times 10^{-5}$ назарий баҳо олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

икки зарра моделида $\alpha + {}^3\text{He} \rightarrow {}^7\text{Be} + \gamma$ ва $\alpha + {}^3\text{H} \rightarrow {}^7\text{Li} + \gamma$ радиацион қамраш реакциялари тўлиқ астрофизик S-фактори учун электрик $E1$, $E2$ -ўтишлар ва магнит $M1$ -ўтишларнинг парциал тўлқин ҳиссалари ҳисобланган;

$\alpha + {}^3\text{He} \rightarrow {}^7\text{Be} + \gamma$ ва $\alpha + {}^3\text{H} \rightarrow {}^7\text{Li} + \gamma$ радиацион қамрашларининг ҳисобланган реакция тезликлари асосида Катта портлашдан кейинги ${}^7\text{Li}$ элементининг бирламчи тарқалиши учун назарий баҳо ${}^7\text{Li}/\text{H} = (5.08 \pm 0.13) \times 10^{-10}$ олинган;

$\alpha + d \rightarrow {}^6\text{Li} + \gamma$ жараён учун уч зарра модели доирасида изоспин $E1$ -ўтишни тўғри тавсифловчи гиперсферик гармониклар Лагранж-меш базисига асосланган назарий услуб ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижаларни батафсил солиштирилганда тажриба натижалари ва бошқа муаллифлар натижалари билан мувофиқлиги, назарий ядровий астрофизика асослари ҳулосаларига мослиги, назарий физика ва квант механикаси усуллари, ҳамда юқори эффективли алгоритм ва сонли усулларнинг қўлланилишига асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, $\alpha + d \rightarrow {}^6\text{Li} + \gamma$ радиацион қамраш жараёнини кичик миқдорда тахминан 0.5% изотриплет компонентага эга бўлган ${}^6\text{Li}$ ядросининг асосий ҳолатини уч заррали $\alpha + n + p$ тизим тўлқин функциясига асосланган реалистик модель доирасида ўрганишдир.

Натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, уч зарра модель доирасида ҳисоблаш услубларини ривожлантириш ядровий астрофизика жараёнларини ўрганишнинг сифат жиҳатидан янги босқичи ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кластер модели доирасида қуйи энергияларда $d(\alpha, \gamma){}^6\text{Li}$, ${}^3\text{He}(\alpha, \gamma){}^7\text{Be}$ ва ${}^3\text{H}(\alpha, \gamma){}^7\text{Li}$ реакциялар астрофизик S-факторлари ва тезликлари бўйича олинган натижалар асосида:

$\alpha + {}^3\text{He} \rightarrow {}^7\text{Be} + \gamma$ ва $\alpha + {}^3\text{H} \rightarrow {}^7\text{Li} + \gamma$ радиацион қамраш реакциялари учун олинган астрофизик S-фактор натижалари етакчи хорижий илмий журналларда (Physical Review C, 99, 054618, 2019; International Journal of Modern Physics E, 42, 1930004, 2019; Indian Journal of Physics, 93, 279, 2019; Journal of Physics: Conference Series, 1154, 012013, 2019) фойдаланилган. Илмий натижаларининг қўлланилиши янги назарий усулларни ишлаб чиқиш имконини берган;

таклиф қилинган асимптотик нормировка доимийларини ҳисобга олган ҳолда модификацияланган αd -потенциали хорижлик олимлар томонидан

(Physical Review C, 96, 045807, 2017; Journal of Physics G: Nuclear and Particle Physics, 45, 085102, 2018; European Physical Journal Web of Conferences, 199, 05016, 2019) $\alpha+d\rightarrow{}^6\text{Li}+\gamma$ радиацион қамраш реакциясини ўрганишда фойдаланилган. Илмий натижаларининг қўлланилиши астрофизик S-фактори, реакция тезлиги, ҳамда ${}^6\text{Li}$ элементининг бирламчи тарқалиши ${}^6\text{Li}/\text{H}=1.1\cdot 10^{-14}$ ни назарий баҳолаш имконини берган;

уч зарра модели доирасида $\alpha+d\rightarrow{}^6\text{Li}+\gamma$ радиацион қамраш реакцияси учун олинган натижалар хорижлик олимлар томонидан (Physical Review C, 95, 044618, 2017; Physical Review C, 96, 045807, 2017; Physics of Atomic Nuclei, 81, 899, 2018) тўғридан-тўғри ядро қамраш жараёнларини ўрганишда фойдаланилган. Илмий натижаларининг қўлланилиши янги истиқболли босқичнинг бошланиши сифатида тан олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва маҳаллий илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, 4 таси хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 109 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари кўрсатилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ҳамда нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича қисқача маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Борлиқда енгил элементларнинг тарқалиши ва литий муаммоси**» деб номланган биринчи бобида Катта портлашдан кейинги бирламчи нуклеосинтез жараёнида нуклидларнинг ҳосил бўлиши ва улар тарқалиши асосий тушунчаларининг қисқача таҳлили келтирилган. BBN назариясининг замонавий тасаввурига кўра d , ${}^3\text{He}$ ва ${}^{6,7}\text{Li}$ енгил элементлари биринчи уч дақиқа давомида бирламчи нуклеосинтез жараёнида ҳосил бўлади. Ҳозирги вақтда ${}^6\text{Li}$, ${}^7\text{Li}$ изотопларининг тарқалиши муаммоси тадқиқоти замонавий ядровий астрофизика ва космологиянинг энг долзарб мавзуларидан бири эканлиги кўрсатилди. Ушбу ишда стандарт космологик Катта портлаш моделида бошланғич (примордиал) элементларининг тарқалишини баҳолаш учун қўлланиладиган BBN моделининг асосий параметрлари келтирилди. Литийгача бўлган астрономик кузатилиши

мумкин бўлган енгил элементларининг бошланғич тарқалишини башорат қилиш BBN моделининг асосларидан бири ҳисобланади. Бу модель d , ${}^3\text{He}$ енгил элементларининг бошланғич тарқалишини тўғри башорат қилади, бироқ литий изотоплари учун вазият умуман бошқача.

Сўнгги йилларда литий билан боғлиқ муаммоларни космология, кузатувчи астрономия ва ядровий астрофизика соҳасидаги мутахассислар тажрибавий ва назарий натижалар асосида фаол муҳокама қилишмоқда. Катта портлашдан кейинги бирламчи нуклеосинтезда литий изотопларининг тарқалиши бўйича иккита муаммо мавжуд.



1-расм. Бирламчи нуклеосинтезидаги ядро реакциялари

1-чи литий муаммоси шундан иборатки, сўнгги адабиётлар маълумотларига кўра астрономик кузатилган ${}^7\text{Li}$ нуклидлари миқдори BBN модель башорат қилганидан кўра тахминан 3-4 марта кам.

2-чи литий муаммоси икки литий изотоплари миқдорларининг муносабатига тегишли. BBN модели назарияси баҳоси ${}^6\text{Li}/{}^7\text{Li} \sim 10^{-4}$, астрономик кузатувлар қиймати эса ${}^6\text{Li}/{}^7\text{Li} \sim 5 \times 10^{-2}$.

Бу муаммоларни ечиш учун ҳозирги вақтда ядровий астрофизикада қуйи энергияларда асосан қуйидаги радиацион қамраш реакциялари ўрганилади: $d(\alpha, \gamma){}^6\text{Li}$, ${}^3\text{He}(\alpha, \gamma){}^7\text{Be}$ ва ${}^3\text{H}(\alpha, \gamma){}^7\text{Li}$. Модомики, улар Катта портлаш модели бирламчи нуклеосинтезида ${}^6\text{Li}$, ${}^7\text{Li}$ ядролари ҳосил бўлишининг асосий манбалари ҳисобланади (1-расм). Тажрибавий ишлар мақсади қуйи энергияларда прецизион ўлчашларга қаратилган бўлса, назарий моделлар мақсади эса қаралаётган реакцияларнинг тезликларини тўғри ҳисоблашдир. Қайд қилиш керакки, литий муаммосининг ечимида $d(\alpha, \gamma){}^6\text{Li}$, ${}^3\text{He}(\alpha, \gamma){}^7\text{Be}$ ва ${}^3\text{H}(\alpha, \gamma){}^7\text{Li}$ радиацион қамраш ядро реакцияси тезликларининг астрофизик энергияларида реалистик ҳисоблашларини ўтказиш ўта муҳим.

Диссертациянинг «Икки зарра моделида ${}^3\text{He}(\alpha, \gamma){}^7\text{Be}$ ва ${}^3\text{H}(\alpha, \gamma){}^7\text{Li}$ радиацион қамраш реакцияси» деб номланган иккинчи боби қуйи

энергияларда икки кўзгу радиацион қамраш $\alpha+{}^3\text{He}\rightarrow{}^7\text{Be}+\gamma$ ва $\alpha+{}^3\text{H}\rightarrow{}^7\text{Li}+\gamma$ жараёнларининг астрофизик S-фактори ва реакция тезликларининг назарий тадқиқотига бағишланган.


Ушбу бобда $\alpha+{}^3\text{He}\rightarrow{}^7\text{Be}+\gamma$ ва $\alpha+{}^3\text{H}\rightarrow{}^7\text{Li}+\gamma$ радиацион қамраш реакцияларининг астрофизик S-факторини ҳисоблашда икки зарра потенциал кластер моделини ишлатамиз. Модель қаралаётган ядро икки зарра структурасига эга деган фаразга асосланиб қурилади. Бу фаразлар кўпгина енгил ядроларнинг нуклонлар ассоциациялари (кластерлар) ҳосил қилиш юқори эҳтимолига эга деган кўп сонли тажрибавий маълумотлар далилларига асосланади.

Аслида зарядланган зарралар иштирокидаги ихтиёрий радиацион қамраш реакциясининг тажрибавий ва назарий тадқиқотларида жараённинг кесими баҳоланади. Аммо, кесимнинг қиймати энергия камайиши билан экспоненциал тез тушиб кетади ва қуйи астрофизик энергияларда кичкина бўлиб қолади, яъни бундай энергия соҳасида шундай катталиқ билан ишлаш ноқулай. Шу сабабли астрофизик S-фактор деб аталадиган, кесим билан қуйидаги муносабат билан боғланган қулайроқ катталиқ қабул қилинган (Angulo *et al.*, NPA656, 3 (1999)):

$$S(E) = \sigma(E)E \exp(2\pi\eta) \quad (1)$$

бу ерда $\sigma(E) = A(a, \gamma) V$ радиацион қамраш реакциясининг тўлиқ кесими, $\eta = Z_b Z_c e^2 \mu_{bc} / k_{bc} - a = b + c$ системаси боғланган ҳолати учун Кулон параметри.

2 расмда $\alpha+{}^3\text{He}\rightarrow{}^7\text{Be}+\gamma$ радиацион қамраш реакциясининг астрофизик S-фактори натижалари янги тажриба маълумотлари билан таққосланган ҳолда келтирилган. 2 расмдаги астрофизик S-факторлари икки хил усулда ҳисобланган: (а) V_{M1} , V_{M2} , V_D потенциаллари билан, ва (б) V_{M1}^a , V_{M2}^a , V_D^a , V_D^b потенциаллари билан.




2-расм. $\alpha+{}^3\text{He}\rightarrow{}^7\text{Be}+\gamma$ синтез жараёнининг астрофизик S-фактори тажриба маълумотлари билан таққосланган ҳолда, (а) V_{M1} , V_{M2} ва V_D потенциаллари билан ҳисобланган, (б) V_{M1}^a , V_{M2}^a , V_D^a ва V_D^b потенциаллари билан ҳисобланган

Жараёни ўрганиш учун биз аввало бошланғич потенциал сифатида Дубовиченко V_D , сўнг V_{M1} , V_{M2} модификацияланган потенциаллардан (2 (а) - расм) фойдаланамиз. Ушбу потенциаллар P -тўлқинлардаги параметрлари билан фаркланади ва ҳар ҳил АНД қийматларини беради. Асимптотик нормировка доимийси $d(\alpha, \gamma)^6\text{Li}$, ${}^3\text{He}(\alpha, \gamma)^7\text{Be}$, ${}^3\text{H}(\alpha, \gamma)^7\text{Li}$ ва ${}^7\text{Be}(p, \gamma)^8\text{B}$ каби ядровий астрофизик жараёнларда, айниқса қуйи энергияларда муҳим роль ўйнайди. Реалистик икки заррали потенциал куриш учун параметрларни нафақат боғланиш энергияси ва тажрибавий фаза сочилишларига, балки қўшимча равишда АНДнинг эмпирик қийматларига мослаштириш керак. Шу асосда $\alpha+{}^3\text{He}$ -система учун фазавий-эквивалент потенциаллари орасидан боғланиш энергияси ва тажрибавий фаза сочилишларини сақлаган ҳолда АНДни тўғри тавсифлайдиган модификацияланган V_{M1} , V_{M2} потенциалларини курамиз.

2(а)-расмдан кўриниб турибдики, модификацияланган V_{M1} ва V_{M2} потенциал моделлари ўрта ва қуйи энергияларда тажриба билан яхши мос келмоқда. Бироқ, ушбу потенциаллар ўта қуйи энергиялардаги LUNA ҳамкорлигининг янги тажриба маълумотларини турли энергетик боғланиш туфайли юқоридан баҳолайди. V_D модели эса астрофизик S -фактори тажриба маълумотлари учун жуда кам деб баҳоланмоқда. Сонли ҳисоблашларнинг таҳлили асосида $\alpha+{}^3\text{He}\rightarrow{}^7\text{Be}+\gamma$ синтез жараёнида $S\rightarrow P_{3/2}$ ва $S\rightarrow P_{1/2}$ $E1$ -ўтишлар асосий роль ўйнаши аниқланди. Шунинг учун, V_{M1} , V_{M2} ва V_D потенциалларининг S тўлқин параметрларини модификациялаш (чуқурлиги ва кенглигини) ва S -фактор тажриба маълумотларига мослаштириш мумкин. Натижавий V_{M1}^a , V_{M2}^a , V_D^a ва V_D^b (2 (б) расм) потенциаллари LUNA ҳамкорлиги тажриба қийматларини ва Куёшнинг Гамов максимумида олинган S_{34} (23 ± 6 кэВ) = 0.548 ± 0.054 кэВ бн янги маълумотларни тавсифлайди. Таққослаш учун 2(а) ва 2 (б) расмларда реалистик микроскопик моделлар NCSM (J.D. Eraly *et al.*, Phys. Lett. B757, 430 (2016)) ва FMD (T. Neff Phys. Rev. Lett. 106, 042502 (2011)) натижалари ҳам келтирилган. Умуман олганда ушбу ҳисоблашлар натижалари тажриба маълумотлари билан яхши мос келади. Бироқ, ушбу моделлар иккала камраш жараёнлари учун турли ҳил энергетик боғланишлар беради.

Шундан сўнг, ${}^7\text{Be}\rightarrow\alpha+{}^3\text{He}$ ядроси учун топилган бошланғич V_D ва V_{M1} , V_{M2} потенциаллари, Кулон қисмини мослаб ўзгартирилгандан сўнг кўзгу камраш $\alpha+{}^3\text{H}\rightarrow{}^7\text{Li}+\gamma$ жараёнини тавсифлашга қўлланилди. Ушбу потенциаллар ${}^7\text{Li}$ ядросининг боғланиш ҳолатлари $E(3/2^-) = -2.46$ МэВ ва $E(1/2^-) = -1.99$ МэВ энергияларини, ҳамда S , P , D , F - тўлқинлардаги фаза силжишларини яхши тавсифлаши аниқланди. $\alpha+{}^3\text{H}\rightarrow{}^7\text{Li}+\gamma$ синтез реакцияси астрофизик S -фактори шу потенциаллар параметрлари билан баҳоланди. 3 (а) ва (б) расмлардан кўриниб турибдики, назарий баҳолар тажриба маълумотлари билан етарли даражада мос келмоқда. Бироқ, шуни қайд қилиш керакки, тажриба маълумотлари анча эски, шунинг учун янги ўлчашлар зарур.

Иккала кўзгу жараёнлари учун олинган астрофизик S-факторлари асосида $\alpha+{}^3\text{He}\rightarrow{}^7\text{Be}+\gamma$ ва $\alpha+{}^3\text{H}\rightarrow{}^7\text{Li}+\gamma$ радиацион қамрашнинг реакциялар тезликлари юлдузлар температураси соҳаларида ($10^6\text{ K}\leq T\leq 10^9\text{ K}$) ҳисобланди.




3-расм. $\alpha+{}^3\text{H}\rightarrow{}^7\text{Li}+\gamma$ синтез жараёнининг астрофизик S-фактори тажриба маълумотлари билан таққосланган ҳолда, (a) V_{M1} , V_{M2} ва V_D потенциаллари билан ҳисобланган, (б) V_{M1}^a , V_{M2}^a , V_D^a ва V_D^b потенциаллари билан ҳисобланган

Синтез реакциясининг тезлиги қуйидаги формула асосида баҳоланади (Angulo *et al.*, NPA656, 3 (1999)):

$$N_{34}(\sigma v) = 3.7313 \times 10^{10} A^{-1/2} T_9^{-3/2} \int_0^\infty \sigma(E) E \exp(-11.605E / T_9) dE \quad (2)$$

бу ерда $A=A_1 \cdot A_2 / (A_1 + A_2)$ – кластерларнинг келтирилган масса сонлари, $T_9 - 10^9\text{ K}$ бирликда ўлчанувчи температура.

4-расмда $\alpha+{}^3\text{He}\rightarrow{}^7\text{Be}+\gamma$ ва $\alpha+{}^3\text{H}\rightarrow{}^7\text{Li}+\gamma$ синтезларининг реакция тезликлари V_{M1}^a ва V_D^a моделлар доирасида ҳисобланган ва NACRE 1999 тажриба маълумотларига бўлинган (нормаллаштирилган), ҳамда бошқа назарий моделлар билан таққосланган ҳолда кўрсатилган.



**4-расм. NACRE 1999 тажриба маълумотларига
нормаллаштирилган $\alpha+{}^3\text{He}\rightarrow{}^7\text{Be}+\gamma$ ва $\alpha+{}^3\text{H}\rightarrow{}^7\text{Li}+\gamma$ жараёнлари
учун нисбий реакция тезликлари**

Расмлардан кўриниб турибдики таклиф қилинаётган моделлар доирасидаги натижалар бошқа моделлар ҳисоблашлари билан яхши мос келмоқда.

Икки зарра потенциал модели доирасида $\alpha+{}^3\text{He}\rightarrow{}^7\text{Be}+\gamma$ реакция тезлиги учун олинган натижаларни қўллаган ҳолда PARTHENOPE дастурлар пакети ёрдамида ${}^7\text{Li}/\text{H}$ изотопининг Катта портлашдан кейинги бирламчи тарқалиши $V_D^a {}^7\text{Li}/\text{H}=(4.92 \pm 0.13)\times 10^{-10}$ ва $V_{M1}^a {}^7\text{Li}/\text{H}=(4.81 \pm 0.12)\times 10^{-10}$ потенциаллари билан баҳоланди.

Шундан сўнг, $\alpha+{}^3\text{H}\rightarrow{}^7\text{Li}+\gamma$ реакция тезлиги ҳисоби натижаларини термоядро жараёнлар занжирига қўйиш билан V_D^a ва V_{M1}^a потенциаллар учун мос равишда қуйидаги баҳоларни оламиз ${}^7\text{Li}/\text{H}=(5.08\pm 0.13)\times 10^{-10}$ ва ${}^7\text{Li}/\text{H}=(5.06\pm 0.13)\times 10^{-10}$. Катта портлаш нуклеосинтез дастури ёрдамида элементлар тарқалиш миқдорини ҳисоблашда киритиш параметри сифатида ишлатилган барион зичлиги $\Omega_b h^2 = 0.02229^{+0.00029}_{-0.00027}$ қиймати Планк ҳамкорлигининг 2016 йилдаги охириги маълумотларига асосланган. Нейтроннинг яшаш вақти $\tau_n = 880.3\pm 1.1$ секунд Particle Data Group 2014 ҳамкорлиги ишидан олинди.

${}^7\text{Li}/\text{H}$ изотопи тарқалиши учун олинган натижалар ${}^7\text{Li}/\text{H}=(5.08\pm 0.13)\times 10^{-10}$ мос равишда M. P. Takács *et al.*, Phys. Rev. D91, 123526 (2015) ва A. Coc *et al.*, Phys. Rev. D92, 123526 (2015) назарий ишларида келтирилган ${}^7\text{Li}/\text{H}=(5.0\pm 0.3)\times 10^{-10}$ ва ${}^7\text{Li}/\text{H}=(5.61\pm 0.26)\times 10^{-10}$ натижалар билан яхши мос келмоқда.

«Икки зарра моделида $d(\alpha,\gamma){}^6\text{Li}$ радиацион қамраш реакциясининг $E2$ S-факторини баҳолаш» деб номланган учинчи бобда икки заррали потенциал кластер модели доирасида тўғридан-тўғри $d(\alpha,\gamma){}^6\text{Li}$ ядро қамраш жараёни учун ҳисоблаш натижалари келтирилган. Яхши маълумки, ${}^6\text{Li}$ ядроси Катта портлаш натижасида




қамраш реакциясига асосан қуйи астрофизик $50\leq E\leq 400$ кэВ энергияларда ҳосил бўлган. Қайд этиш керакки, икки зарра моделида таъқиқланган $E1$ -ўтишнинг ҳиссасини тўғридан-тўғри йўл билан ҳисоблаб бўлмайди, чунки бошланғич ва охириги ҳолатлар изоспинлари ноль ва шунинг учун $\Delta T=0$. Бу муаммо нафақат αd -қамраш учун, балки $N=Z$ ядролар иштирокидаги, қайсики ҳамма заррачаларнинг изоспинлари нолга тенг бўлган $d(d,\gamma){}^4\text{He}$, ${}^{12}\text{C}(\alpha,\gamma){}^{16}\text{O}$, ${}^{16}\text{O}(\alpha,\gamma){}^{20}\text{Ne}$, ${}^{12}\text{C}({}^{12}\text{C},\gamma){}^{24}\text{Mg}$ ва бошқа реакциялар учун ҳам мавжуд.

Шундай бўлса ҳам, илмий адабиётларда альфа заррача ва дейтроннинг тажрибада ўлчанган массаларидан фойдаланувчи «аниқ массалар рецепти» деб номланадиган услуб қўлланилади. Ушбу усул изоспин формализмига асосланмаган, шунинг учун жараённи тўлиқ тавсифлашга даъвогарлик қила олмайди. Шунга қарамай, ушбу усул кўп вақтлар давомида ўрганилаётган

$d(\alpha, \gamma)^6\text{Li}$ жараёнини тавсифлаш учун қўлланилиб келинмоқда. Энди саволни бошқача қўйсак: агар изоспин формализмида ишласак натижа қандай бўлади? Бу саволга жавоб топиш учун бу бобда икки зарра моделида $d(\alpha, \gamma)^6\text{Li}$ радиацион қамраш реакциясининг фақат $E2$ S -факторини баҳолаймиз, $E1$ S -фактори эса уч жисм модели доирасида кейинги бобда ҳисобланади.

$M1$ -ўтишга келадиган бўлсак, унинг ҳиссаси, умуман олганда, $\alpha + d \rightarrow ^6\text{Li} + \gamma$ қамраш реакцияси учун 3S_1 тўлқинда боғланган ва сочилиш ҳолатлари тўлқин функцияларининг ортогоналлигига кўра нолга тенг.


Бу бобда $\alpha + d \rightarrow ^6\text{Li} + \gamma$ жараёни S -факторига электрик квадруполь ўтишнинг ҳиссаси 3S_1 , 3P_0 , 3P_1 , 3P_2 , 3D_1 , 3D_2 , 3D_3 -парциал тўлқинларда фаза силжишларини, ҳамда S тўлқинда боғланган ҳолат энергияси ва АНДни тўғри тавсифловчи оддий Гаусс кўринишидаги αd -потенциал билан ҳисобланди. Бунда биз С.Б. Дубовиченко (PHAN73, 1526 (2010)) ишидан олинган αd -потенциалига асосланамиз, лекин тўлқин функцияларини ҳисоблаш учун $O(h^6)$ даражадаги аниқликка эга бўлган Нумеров алгоритмини қўллаймиз.



5-расм. $d(\alpha, \gamma)^6\text{Li}$ реакцияси S -факторига V_M потенциали билан ҳисобланган $E2$ ўтиш ҳиссасининг N тугун нуқталарининг турли ҳил сон қийматларида яқинлашиши

Бундай юқори аниқлик ҳар бир парциал тўлқинда маълум асимптотика билан жуда яхши мос келувчи тўлқин функцияларини олиш имконини беради. Қуйида биз ядронинг боғланиш энергиясини тўғри тикловчи ва фаза силжишларини эски тажриба маълумотларидан кўра янгилари билан яхшироқ мос келувчи, ҳамда АНДни тўғри тавсифловчи S тўлқин потенциалини модификация қилиш мумкинлигини кўрсатамиз. 5-расмда $d(\alpha, \gamma)^6\text{Li}$ реакцияси S -фактори учун V_M потенциали билан ҳисобланган $E2$ ўтишлар ҳиссалари назарий натижаларнинг яқинлашишини яққол намоиши учун кенг энергия оралиғида тугун нуқталарининг турли ҳил сон қийматларида $N = 200, 400, 600, 800-2000$ кўрсатилган. Интеграллаш қадами $h=0.05$ фм олингани туфайли интеграл чегаралари мос равишда 10, 20, 30, 40-100 фмларга тенг. Расмдан кўриниб турибдики, тўлиқ яқинлашишга эришиш

учун интеграл чегарасини 40 фмдан кам олмаслик зарур. 6-расмда $\alpha+d \rightarrow {}^6\text{Li}+\gamma$ синтез реакциясининг V_D ва V_M потенциаллари билан ҳисобланган астрофизик S-фактори учун $E2$ ўтиш ҳиссаси тажриба маълумотлари билан таққосланган ҳолда кўрсатилган.



6-расм. $\alpha+d \rightarrow {}^6\text{Li}+\gamma$ синтез реакциясининг V_D ва V_M потенциаллари билан ҳисобланган тажриба маълумотлари билан таққосланган $E2$ астрофизик S-фактори


Тўртинчи «Уч зарра моделида $\alpha+d \rightarrow {}^6\text{Li}+\gamma$ синтез реакцияси астрофизик S-фактори, реакция тезлиги ва ${}^6\text{Li}$ элементининг тарқалишларининг назарий таҳлили» бобда $\alpha+d \rightarrow {}^6\text{Li}+\gamma$ синтез реакциясининг астрофизик S-фактори ва реакция тезлиги, ҳамда ${}^6\text{Li}$ элементининг бошланғич тарқалиши учун уч заррали моделдаги ҳисоблаш натижалари келтирилган. Гиперсферик гармониклардаги Лагранж-меш усулига (P. Descouvemont, D. Baye PRC67, 044309 (2003)) асосланган уч заррали формализм ифодаланган. ${}^6\text{Li}=\alpha+n+p$ ядросининг уч заррали тўлқин функцияси чамаси 0.5 % изотриплет ($T=1$) компонентага эга. Бундан олдинги бобда таъкидланганидек, икки зарра моделида таъқиқланган $E1$ -ўтишни изоспин формализмини ҳисобга олган ҳолда баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун бу жараённи ўрганиш учун $E1$ -ўтиш ҳиссасини ҳисобга олувчи уч зарра формализмини ривожлантириш реалистик ва ғоят муҳим ҳисобланади. Айниқса, бу ўтиш кичик энергияларда жараёнга асосий ҳисса бериши кутилатганда.

Бу жараён резонанс энергия $E(3^+)=0.711$ МэВ атрофида ва юқори энергияларда тажрибавий ўлчашлар P. Mohr *et al.*, Phys. Rev. C50, 1543 (1994); R.G.H. Robertson *et al.*, Phys. Rev. Lett. 47, 1867 (1981) ишларида етарли даражада таҳлил қилинган. Бироқ, анча қуйи энергияларда қамраш жараёни кесими маълумотларини тажрибавий йўл билан олиш итаришувчи Кулон ўзаро таъсирлашувчи зарядланган заррачалар ҳисобига J. Kiener *et al.*, Phys. Rev. C44, 2195 (1991); F. Hammachi *et al.*, Phys. Rev. C82, 065803 (2010)

кийин масала ҳисобланади. Шундай бўлса ҳам, охирги йилларда LUNA ҳамкорлигидаги тажриба гуруҳи ниҳоят муваффақиятга эришди. 2014 йили илк бор иккита $E=94$ кэВ ва $E=134$ кэВ (M. Anders *et al.*, Phys. Rev. Lett. 113, 042501 (2014)) энергияларда астрофизик S-факторни тўғридан-тўғри усулда ўлчашга эришилди. Иккинчи марта 2017 йилда бира тўла тўртта астрофизик муҳим $E=80, 93, 120$ ва 133 кэВ (D. Trezzi *et al.*, Astroparticle Physics 89, 57, (2017)) энергияларда ўлчанди. Қуйида ўрганилаётган жараённинг янги олинган тажрибавий маълумотларини тавсифлаш учун гиперсферик гармониклардаги Лагранж-меш усулига асосланган уч зарра моделини қўллаймиз.

${}^6\text{Li}$ ядросининг уч заррали тўлқин функцияси Ворончев (Модель А) ва Канада (Модель Б) $\alpha+N$ потенциаллари асосида ҳисобланди. Икки нуклон ($p+n$) кириш каналида дейтрон боғланиш энергиясини $E_{\text{боғ}}=-2.20$ МэВ тавсифловчи марказий Миннесота потенциали қўлланди. $E1$ - ва $E2$ -ўтишлар учун сонли натижалар ва мос равишда астрофизик S-фактори, реакция тезлиги ва ${}^6\text{Li}$ элементининг тарқалиши учун назарий баҳолар олинди. ${}^6\text{Li}$ ядроси асосий ҳолат тўлқин функциясида кичик миқдорда (тахминан 0.5%) изотриплет ($T_f=1$) компонентага эга бўлиши $\alpha+d\rightarrow{}^6\text{Li}+\gamma$ жараёнини қуйи астрофизик энергияларда тавсифлашда муҳим роль ўйнаши кўрсатилди.

7-расмда уч зарра моделида Ворончев $\alpha+N$ потенциали билан ҳисобланган ${}^6\text{Li}$ ядроси тўлқин функцияси билан бошланғич альфа-дейтрон 3P_0 , 3P_1 , 3P_2 парциал тўлқинлари учун олинган $E1$ астрофизик S-фактори баҳолари келтирилган. Ушбу тўлқин функция норма квадрати $5.3\cdot 10^{-3}$ тенг бўлган изотриплет компонентага эга.



7-расм. Парциал $E1$ астрофизик S-факторлари

Бошқа томондан, $E2$ S-фактор S ва D тўлқинларда дейтрон ва ${}^6\text{Li}$ ядроси тўлқин функцияларининг қоплашув интегрالي асимптотикасига кучли боғланган. Бироқ, уч заррали гиперсферик тўлқин функцияси асимптотикани тўғри бермайди. Асимптотикани ички ва асимптотик соҳалари чегараси бўлмиш 5-10 фм масофада тўғирлаш мумкин. Келтирилган матрица

элементида S ва D тўлқинлардаги $\alpha+d$ нисбий ҳаракат қоплашув интегралли ${}^6\text{Li}$ ядросининг уч заррали тўлқин функцияси ва дейтрон тўлқин функциялари ёрдамида ифодаланади:

$$I_L(R) = \left\langle \Psi_d(\vec{r}) Y_L(\vec{R}) \mid \Psi_{{}^6\text{Li}}(\vec{R}, \vec{r}) \right\rangle_{(\vec{r}, \vec{R})}, \quad (4)$$

Бу ерда интеграл R ўзгарувчининг бурчак қисми ва r бўйича олинади. Зарядланган зарралар системаси учун қоплашув интегралли асимптотикаси узоқ масофаларда Уиттекер функцияси билан аниқланади:

$$I_L(R) \xrightarrow{R \rightarrow \infty} C_{\alpha d}^L W_{-\eta_{\alpha d}, L+1/2}(2k_{\alpha d} R) / R \quad (5)$$


Қайд қилиб ўтамизки, АНД қуйи энергияларда кечувчи ядровий астрофизик жараёнларни тавсифлашда муҳим роль ўйнайди ва узоқ масофаларда αd -системаси нисбий ҳаракати тўлқин функциясининг асимптотикасини характерлайди.

1-жадвалда (4) ва (5) формулалар асосида уч заррали тўлқин функцияни қўллаган ҳолда S ва D тўлқинларда ${}^6\text{Li} \rightarrow \alpha + d$ конфигурацияси учун ҳисобланган АНД қийматлари келтирилган. Жадвалдан (5) формула бўйича топилган АНД қийматларининг $R_0 = 4-10$ фм масофада барқарорлигини кўриш мумкин.


1-жадвал

Уч зарра моделида ${}^6\text{Li} \rightarrow \alpha + d$ учун ҳисобланган $C_{\alpha d}$ (фм $^{-1/2}$) АНД қийматлари

R_0 , фм		4	5	5.5	6	7	8	9	10
$L=0$	Модель А	1.944	2.100	2.116	2.115	2.087	2.038	1.965	1.863
	Модель Б	1.932	2.043	2.051	2.046	2.017	1.970	1.900	1.801
$L=2$	Модель А (x10 $^{-2}$)	1.932	2.124	2.159	2.172	2.168	2.137	2.080	1.991
	Модель Б (x10 $^{-2}$)	1.988	2.152	2.179	2.188	2.180	2.148	2.091	2.001



8-расм. ${}^6\text{Li}$ ядроси ва дейтрон тўлқин функциялари қоплаш интеграллари




9-расм. Тажириба маълумотлари билан биргаликда $E1$ ва $E2$ S-факторларини таққослаш

αd -системаси нисбий ҳаракати тўлқин функциясининг асимптотикасини тўғирлаш учун ички ва асимптотик соҳалар чегараси бўлган $R_0=5.5$ фмга мос энг мақбул $C_{ad}=2.116$ фм $^{-1/2}$ ни танлаган ҳолда (5) формулани қўлаймиз (8-расм). 9 расмда S ва D тўлқинлардаги қоплашув интеграллари 5.5 фм масофада (5) формуладаги мос асимптотик кўринишлари билан алмаштирилган ҳолда келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики синтез жараёнини тавсифлаш учун муҳим ҳисобланган қоплашув интеграллари асимптотикаси сезиларли даражада яхшиланган.

